



Фарғона водийсида аёллар ва ёшлар ўртасидаги креатив бизнес-лойиҳалар акселерация дастурининг бошланиши ва дастурга иштирокчилар қабули ҳақида

ЭЪЛОН

Ҳурматли Фарғона водийси тадбиркорлари, фермерлари ва ҳунармадлари!

Сизларга Ўзбекистон Республикаси камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳамда БМТ Тараққиёт Дастури ҳамкорлигидаги “Фарғона водийсида аҳоли кўникмаларини пандемиядан кейинги иқтисодиётга мослаштириш” лойиҳаси доирасида ташкил қилинаётган “Фарғона водийсида аёллар ва ёшлар орасида туризм, ипакчилик, халқ ҳунармандчилиги, қишлоқ хўжалиги ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш соҳаларидаги креатив бизнес-лойиҳалар акселерация дастури”га иштирокчилар қабули бошланганлигини **ЭЪЛОН қиламиз!**

Креатив бизнес-лойиҳа - бу, бирон янги нарсани яратишга, янги фаолият турини, янги маҳсулотни, янги ишлаб чиқариш жараёни ва ёндошувини яратишга, янгича ишлаб чиқариш усуллари ва технологияларини қўллашга қаратилган, ижодий ёндошув ва изланиш билан ишлаб чиқилган бизнес лойиҳадир.

Дастурнинг асосий мақсади – юқоридаги соҳалардаги креатив бизнес-лойиҳаларни уларнинг ташаббускорларини махсус акселерация дастури воситасида тадбиркорлик бўйича билим ва кўникмаларини ошириш орқали қўллаб-қувватлашдан иборат бўлиб, қарийб 3 ой мобайнида амалга оширилади. Жумладан, мазкур ўқув дастурларида қуйидаги мавзулар қамраб олинади:

- Тадбиркорнинг шахсий хусусиятларини ошириш;
- Бизнесда молиявий саводхонликни ошириш;
- Товарлар экспортини ташкил этиш;
- Бизнесни ривожлантиришда рақамли технологиялардан фойдаланиш;
- Бизнесни режалаштириш ва бизнес-режа ишлаб чиқиш ва бошқалар;

Дастур давомида ҳар бир иштирокчи ўзи томонидан таклиф этилаётган креатив бизнес ғоясини амалга ошириш бўйича бизнес-лойиҳасини ишлаб чиқади. Дастур жараёнида Фарғона водийсининг ҳар бир вилоятдан (Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятлари) 5 тагача энг яхши бизнес-лойиҳалар махсус танлов комиссияси томонидан танлаб олинади. Танлаб олинган лойиҳаларнинг ҳар бирига қўшма лойиҳа томонидан 75 (етмиш беш) миллион сўмгача миқдорда техник ёрдам (грант) ажратилади.

Акселерация дастурда иштирок этиш учун номзодларга қуйидаги талаблар қўйилади:

- 1). Дастурда фақатгина юридик шахс мақомига эга бўлган тадбиркорлик субъектлари (хусусий корхоналар, МЧЖлар, фермер хўжаликлари ва х.к.) раҳбарлари иштирок этишлари мумкин. Шунинг билан бирга номзод бўлаётган юридик шахснинг таъсисчиси ва раҳбари айнан бир киши ёки бир оила вакиллари бўлишлари керак.
- 2). Дастурда 18 ёш ва ундан ошган аёллар ҳамда 18 ёшдан 35 ёшгача бўлган ёшлар (жумладан эркаклар ҳам) иштирок этишлари мумкин.
- 3). Дастурда фақатгина туризм, ипакчилик, халқ ҳунармандчилиги, қишлоқ хўжалиги ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш соҳаларидаги бизнес ғоялар ташаббускорлари иштирок этишлари мумкин.
- 4). Дастурда фақатгина Фарғона водийсининг Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятларида фаолият кўрсатувчи юридик шахслар иштирок этиши мумкин, ҳамда таклиф этилаётган бизнес лойиҳалар фақатгина шу ҳудудларда амалга оширишга мўлжалланган бўлиши керак.

Дастурда иштирок этиш учун қуйида илова қилинаётган ариза формасини тўлдириб, 2023 йилнинг 8-августидан 27-августигача бўлган муддат оралиғида bakhtiyorjon.toshtemirov@undp.org электрон почта манзилига юбориш талаб этилади. Юборилаётган аризалар имзоланган, муҳр босилган ҳамда PDF форматда сканер қилинган бўлиши керак. Дастурда қатнашиш учун танлаб олинган номзодлар телефон орқали хабардор қилинади.

Акселерация дастурини ўтказиш бўйича ишчи гуруҳ раҳбари:

DocuSigned by:
Usmon Rakhimjanov
76AAE2F736A4427...

У. Рахимжанов
07-Aug-2023